Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2021 йил
11 июнь,
жума
№ 25 (850)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН:
ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 10 июнь куни расмий ташриф билан Тожикистонга келди.

Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Аэропорт олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари ва шиорлар билан безатилган.

Ўзбекистон раҳбарини кутиб олишда кўплаб ёшлар ва ижодий жамоалар ҳам иштирок этди.

Душанбе шаҳридаги "Қасри Миллат" қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар бир-бирига расмий делегация аъзоларини таништирди. Фахрий қоровул тантанали марш билан давлат раҳбарлари олдидан ўтди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон стратегик шериклиги ва кўп қиррали ҳамкорлигининг барча жиҳатларини кўриб чиқдилар, сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз таклиф ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, икки мамлакат муносабатлари юксак даражага кўтарилганини таъкидлади.

— Қабул қилган барча қарорларимиз амалга ошмоқда. Ўтган даврда икки томонлама муносабатларда кўп нарса ўзгарди. Буни рақамлар ҳам айтиб турибди. 2017 йилда товар айирбошлаш 70 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2020 йилда, мураккаб пандемия йилида ушбу кўрсаткич илк бор 500 миллион долларга етди. Биз ушбу ташрифга жуда жиддий тайёргарлик кўрдик. Ҳудудлар форуми муваффақиятли ўтказилди, қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган аниқ лойиҳа ва шартномалар имзоланди. Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида айтсак, биринчи бор Тожикистонда Ўзбекистон киноси кунлари муваффақиятли ўтди, яқин орада мамлакатларимиз ёшлари Фарғона водийсида учрашади. Бир сўз билан айтганда, тарихий яқинлигимиз бугун ҳаётга кўчмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тожикистон Президенти давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, ушбу ташрифнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди.

— Ўзбекистон бизнинг стратегик шеригимиз ва ишончли қўшнимиз. Тожикистон — Ўзбекистон муносабатлари бугун жадал ривожланаётганидан мамнунмиз. Савдо-иқтисодий алоқалар кенгаймоқда. Маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро муносабатлар мустаҳкамланмоқда. Мамлакатларимиз минтақавий хавфсизлик борасида ўзаро мувофиқлашиб, яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганини алоҳида қайд этмоқчиман. Бугун сиз билан муносабатларимизнинг ҳолати ва истиқболларини ҳамда халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилишга тайёрман, - деб таъкидлади Эмомали Раҳмон.

Қўшма корхоналар сони 8 баробар кўпайиб, бугунги кунда 200 дан ошгани таъкидланди. Жумладан, Душанбе шаҳрида маиший техникалар ишлаб чиқарувчи "Артел Авесто Электроникс" қўшма корхонаси самарали иш юритмоқда. Ташриф арафасида 30 дан ортиқ шундай лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Ўтган йилги қийин шароитларда ҳам юк ташиш ва транзит ҳажми ошгани қайд этилди. Икки томонлама чегирма ва имтиёзлар тақдим этилмоқда. Пойтахтлар ўртасида авиақатнов тикланди.

Учрашувда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, икки мамлакат ҳудудлари салоҳиятини самарали ишга солиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида саноат кооперациясини ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, парламентлараро алоқалар, маданий-гуманитар алмашинув, барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқи ва ўзи номидан биродар Тожикистонни мустақиллигининг бўлажак 30 йиллиги билан табриклади, тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Давлатимиз раҳбари Президент Эмомали Раҳмонни ўзи учун қулай вақтда жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга боришга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Музокараларда расмий делегациялар аъзолари, икки мамлакат вазирликлари ва йирик компаниялари, чегарадош вилоятлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчиларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли биродар мамлакатларнинг муносабатлари тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги даражасига кўтарилгани қайд этилди.

— Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан бекиёс ишларни амалга оширдик ва улар ўзаро муносабатларимиз солномасидан ўрин олди, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Томонлар стратегик шерикликни кенгайтиришда қатъий экани ва бу борада аниқ чораларни кўришга тайёрлигини таъкидладилар.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, транспорт соҳасидаги ва ҳудудлар ўртасидаги шерикликни ривожлантириш, энергетика йўналишидаги улкан салоҳиятни самарали ишга солиш, маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев товар айирбошлашдаги ижобий суръатга қарамай, келгуси йилда уни икки баробарга кўпайтириш учун янги "ўсиш нуқталари"ни топиш муҳим эканини айтди. Шу мақсадда эркин савдо режимидан истисноларни бекор қилиш ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш масалаларини келишишни тез фурсатда якунлаш муҳим, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ўзаро товар етказиб бериш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, учинчи мамлакатларга биргаликда чиқиш имкониятларини излаш лозим.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мамлакатларимиз ҳудудлари ва етакчи корхоналарининг саноат кооперациясини кенгайтиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

— Муваффақиятли ҳамкорликнинг реал мисоллари ва истиқболга мўлжалланган аниқ режаларимиз бор. Бу ҳақда сўз юритганда, Ўзбекистон автомобилларини йиғишни ташкил этиш, замонавий трансформаторлар ва қишлоқ хўжалиги ускуналарини ишлаб чиқариш, маиший техника ва қурилиш материаллари, калава ип ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мамлакатларимиздаги бошқа қўшма лойиҳаларни тилга олиш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан ташкил этилган қўшма инвестиция компанияси фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида самарали йўлга қўйиш ҳамда унинг имкониятларидан лойиҳаларни илгари суришда максимал даражада фойдаланиш зарур.

Транспорт ва транзит ташишлар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам стратегик йўналишдир. Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шаҳарлар ўртасидаги ҳаво қатновларини кенгайтириш ва автобус қатновларини тиклашни таклиф этди.

Шавкат Мирзиёев икки мамлакат вилоятлари ва туманлари кесимида тўғридан-тўғри тизимли мулоқотни йўлга қўйиш муҳим эканини таъкидлади.

Куни кеча Хатлон вилоятининг Бохтар шаҳрида ўтган биринчи ҳудудлараро форум бундай шаклдаги ҳамкорликнинг самарадорлигини яна бир бор исботлади.

— Масалаларни тезкор ҳал қилиш учун ҳудудлар раҳбарлари изчил "ҳаракатлар режалари"ни келишиб олишлари ва ҳар ой камида бир марта жойларда учрашувлар ўтказиб боришлари лозим, — деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Икки мамлакатнинг улкан гидроэнергетика салоҳиятидан ва сувдан самарали фойдаланиш масалалари бўйича конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Таҳлил ва таклиф

Процессуал ҳуқуқий фанлар истиқболи

суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида судларнинг одил судловни амалга оширишдаги холислиги ва мустақиллигининг кафолатлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу борада бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилингани ва ижрога қаратилгани муҳим аҳамият касб этди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Хабар

Ахборот ва инсон ҳуқуқлари

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмлари жорий этилди.

2021 йил 1 январдан вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ҳамда иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

Суд тизимида очиқликни таъминлаш, судга оид ахборот олиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Олий судда Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Инсонийликни улкан уммонга қиёслаш мумкин. Бу уммонда эркин ва бехатар сузмоқнинг завқи, сурури билан бирга талай меҳнат-у, машаққатлари ҳам бор. У оқил-у доно, қобил-у қодир, хушхулқ, ҳар жабҳа-ю ҳар ишда омилкор кишиларни бу уммоннинг ҳайбатли тўлқинлари узра кўзланган манзилга бехатар етказади. Иродаси суст кимсаларни эса, ўз домига тортади.

Ҳуқуқий ҳимоя

Одамийлик мезони

у қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топган

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди собиқ норасмий эр-хотин — Ж.Қиличев ва Г.Қурбонниёзова ўртасидаги низони кўриб чиқди. Ўртадаги норасмий эр-хотинлик муносабатлари чоғи туғилган фарзандига оталик мақомини белгилаш ва алимент ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган аёлнинг далил-исботлари ва низони ҳал қилиш чоғида аниқланган ҳолатлар инсонийлик мезонлари бузилганини кўрсатди. Даъвогар аёл суд жараёнида ўз талабини қувватлай туриб, ўртадаги фарзанд охирини ўйламай ташланган қадамларининг аччиқ ҳосиласи эканини рўй-рост баён этди. Маълум бўлишича, Гулчеҳра (аёлнинг исми ўзгартирилган)нинг бир неча йиллик умри чет элда кечган. Бу юртда у хоразмлик Жавлон (исми ўзгартирилган) билан танишган. Никоҳсиз бошланган оилавий турмуш уч йил давом этган. Улар ўтган йил июнь ойида фарзанд кўришган. Унинг дунёга келиши орадаги эр-хотинлик ришталарини узиш учун Жавлонга яхшигина дастак бўлган. Гулчеҳра унга иккинчи хотин экани, у бунгача бошқа бир аёлга ҳам уйланиб, оила қурганини шу аснода билиб олади. Афсуски, энди кеч. Фарзанд туғилгач, омонат оила буткул барбод бўлади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Муносабат

Янгиланган ер ҳуқуқи

бу борада қонунийлик, тенглик ва шаффофлик таъминланади

Ер — бебаҳо хазина. Унга қанчалик кўп меҳр берсангиз, тилини топсангиз, сиздан неъматларини аямайди. Деҳқоннинг нони она сутидек ҳалол, деб бежиз айтилмаган. Шунинг учун ерни эъзозлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди, рўзғорида тўкин-сочинлик, барака бўлади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун кўмаги

Бекор бўлган қарор

суд бузилган уй-жой ҳуқуқини тиклади

Узоқ йиллар мобайнида оила аъзолари билан яшаб келган уйидан ҳайдаб чиқаришса, киши мушкул аҳволга тушиши табиий. Термизлик Акмал Бердиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) бошига ана шундай ташвиш тушди.

Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, Термиз шаҳар ҳокимининг 2005 йил 20 июлдаги 609-сонли қарорига асосан Алишер Навоий номидаги кўчада жойлашган 19-уй, 15-хонадон Холмурод Файзиевга хусусий мулк қилиб берилган. У эса, 2005 йил 26 ноябрда хонадонни Собир Ўктамовга сотган. 2010 йил 12 январь куни ушбу хонадонни Акмал Бердиев сотиб олган ва ўшандан буён оила аъзолари билан бирга яшаб келган.

2020 йил декабрь ойида Акмал Бердиев ҳам хонадонини сотмоқчи бўлади. Лекин нотариал идора ва кадастр бўлимида ушбу уй Термиз шаҳар ҳокимининг 2012 йил 26 мартдаги 115-сонли қарорига асосан Мудофаа вазирлигига қарашли Термиз ҳудудий уй-жойдан фойдаланиш қисмига хизмат турар жойлари фонди ҳисобига фойдаланишга бириктириб берилганидан хабар топади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги низоли, зиддиятли масалаларни ҳал этиш, ҳуқуқий аҳамиятга молик фактларни белгилаш билан боғлиқ ҳолатлар мамлакатимизнинг фуқаролик ва иқтисодий муносабатларга оид қонунчилигида ўзининг теран ифодасини топган. Уларнинг мазмунида инсонийликнинг адолат, ҳалоллик, поклик, холислик аталмиш меъёрлари мужассам.

Ажаб савдолар

Суиистеъмолчилик оқибати

низоли ҳолатлар судда ҳал этилди

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 9-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилиши, тадбиркорлар эса, иш одоби қоидаларига ҳам риоя этиши керак.

(Давоми 2-бетда) ▶

Муносабат

Янгиланган ер ҳуқуқи

бу борада қонунийлик, тенглик ва шаффофлик таъминланади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Энг муҳими, ерни эъзозлаган, уни қадрлаб, самарали фойдаланган кишиларнинг нафақат оила бюджети мустаҳкам бўлади, балки юрт бозорларида ҳам нарх-наво барқарорлиги таъминланади.

Ерга муҳаббат халқимизнинг қонида бор, деҳқончилик маданияти бизга ота-боболаримиздан мерос қолган. Эндиликда деҳқонларнинг яратувчанлик иқтидорини юзага чиқариш учун шароит яратиш, бу борада ижтимоий адолат тамойилларига қатъий риоя қилиш керак, холос.

Шу маънода куни кеча имзоланган **"Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Президент Фармони айни муддао бўлди. Ерга янгича муносабат, ҳар қарич ердан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш, бунинг учун ерни ҳақиқий эгасига, фидойи деҳқонга бериш бугунги кунимизга жуда мос ҳолат, албатта.

Фармон билан ер участкаларини ажратиш масаласи ҳал қилинадиган бўлди. Энг муҳими, энди бу тизим очиқлик ва шаффофликка таянади. Ер у билан сирлаша оладиган, суяги далада қотган ҳақиқий эгасига берилади.

Охирги пайтларда ижтимоий тармоқларда ер сотиш учун пора олганлар ҳақида тез-тез ўқиб қоляпмиз. Ёки ижро ҳокимияти органлари вакиллари томонидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун мўлжалланган ерларнинг ўзбошимчалик билан ноқонуний тарзда сотиб юбориш ҳолатларига кўп гувоҳ бўляпмиз. Фармон билан мазкур ҳолатларнинг ҳам олди олинмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган, натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланадиган очиқ электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилиши белгилаб қўйилмоқда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинади.

Эндиликда бу соҳадаги кўнгилни хира қиладиган ҳолатларга барҳам берилади. Фармон билан ер майдони фақат аукцион орқали ижарага берилади ва сотилади. Шу тариқа ер ҳақиқий эгаларига адолатли тақсимланади.

Жорий йилнинг август ойидан бошлаб, ер участкалари хусусий секторга мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади. Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади. Бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолади.

Ижарага олинган ер участкасида қонунчиликда белгиланган тартибда қурилган кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинади. Шу орқали тадбиркорлик, деҳқончиликка лаёқатли кишилар учун адолатли тизим яратилади.

Тўғриси, сайловчилар билан учрашувларда айнан ер масаласи билан боғлиқ кўплаб мурожаатлар бўлади. Ери олиб қўйилган ёки бошқа шахсга ўтказиб юборилган фермерлар, ер ажратиш бўйича туман ҳокимларидан норози аҳоли вакиллари, ер масаласида ҳокимиятга кун ора қатнаган, соатлаб, кунлаб ҳокимни кутган юртдошларимизнинг муаммолари, сарсон-саргардончилиги ечимини топадиган бўлди.

Чиндан ҳам, жойларда бўш турган ер майдонлари ва ресурслар кўп. Улардан оқилона фойдаланса, элимизнинг ризқу-насибаси бунёд этилади. Юртимиздаги иссиқ қуёш тафти, серҳосил ерлар, қонқонига деҳқончилик сингиб кетган одамларимизнинг бой тажрибаси, халқимизнинг меҳнатсеварлиги билан ернинг ҳар қаричини гуллатиш, катта-катта фойда олиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги муҳим фармони ер майдонларининг ҳар қандай коррупция ҳолатларидан ҳоли тарзда ўз эгасига, яъни "ишлайман, яшнатаман", деган фидойи инсонларга берилишига мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Дилором ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН:
ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Етакчилар анъанавий фаол гуманитар алмашинувларни давом эттиришга келишиб олдилар. Давлатимиз раҳбари дипломатик муносабатларимиз ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган қўшма маданий тадбирлар дастурини амалга ошириш, шунингдек, икки мамлакат ёшлари фестивалини ташкил этиш, Душанбе ва Тошкентда замонавий ўзбек ва тожик адабиётининг танланган асарлари — антологияларини нашр этишни таклиф этди.

Музокараларда замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасида, айниқса, Афғонистонда юзага келаётган вазият асосида ҳамкорликни кучайтириш муҳим экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Афғонистон бўйича тинчлик музокараларини қўллаб-қувватлаш, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, уни минтақавий иқтисодий шерикликка фаол жалб этиш тарафдори экани таъкидланди.

Томонлар БМТ, МДҲ, ШҲТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорликни давом эттириш ва бирбирини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини тасдиқладилар.

Президент Эмомали Раҳмон Тожикистон биродар Ўзбекистон билан ҳамкорликда эришилган бугунги юксак даражани қадрлашини, бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг катта ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади. Музокаралар чоғида келгуси ишлар учун режалар белгилаб олингани, уларнинг натижалари икки мамлакат стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш учун янги омил бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунлангач, Ўзбекистоннинг Самарқанд вилояти ва Тожикистоннинг Хатлон вилоятида барпо этилган ижтимоий объектларнинг расман очилиш маросими бўлиб ўтди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон рамзий тугмани босиб, уларнинг фаолиятига старт бердилар.

Хатлон вилоятининг Кўбодиён туманидаги тиббиёт мажмуаси Ўзбекистон томонидан қурилган. Ушбу 250 ўринли замонавий кўп тармоқли шифохона йилига 75 минг нафар беморга хизмат кўрсатиш имконятига эга. Мажмуада жарроҳлик, урология, кўз хасталиклари, интенсив даволаш ва реанимация, педиатрия, травматология, гинекология, ҳомиладорлик патологияси, туғруқдан кейинги тикланиш ва терапия бўлимлари мавжуд.

Мажмуа таркибидаги поликлиника бир сменада 300 нафар ва бир йилда 219 минг нафардан зиёд беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Тожикистон томонидан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида умумтаълим мактаби барпо этилди. У 640 нафар ўқувчига мўлжалланган.

Мактабнинг уч қаватли биносида 26 та синф, спорт зали, фаоллар зали, ошхона, кутубхона, меҳнат дарслари ва ихтисослаштирилган машғулотлар учун синфлар мавжуд. Ўқув маскани компьютер техникаси ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

Маросимда икки мамлакат вакиллари сўзга чиқиб, давлат раҳбарларига биродар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга, фуқароларимиз учун қулай шароитлар яратишга қаратаётган алоҳида эътибори учун миннатдорлик билдирдилар.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Қўшма баёнот имзоладилар. Унда эришилган асосий келишувлар мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли вазифалар белгиланган.

Давлат раҳбарлари ҳузурида ташриф доирасида имзоланган Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисида, саноат ва янги технологиялар соҳасида, тоғ-кон саноатида ҳамкорлик тўғрисида, Зарафшон дарёсида ГЭС қуриш лойиҳаси бўйича қўшма акциядорлик жамияти ташкил этиш тўғрисида, Юклар транзити тўғрисидаги битимлар, шунингдек, Дипломатик ваколатхоналар учун ер майдонларини ўзаро тақдим этиш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш, Фуқароларнинг ўзаро қатновлари тўғрисидаги битимга қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баённомалар, икки мамлакат ташқи сиёсий идоралари ўртасидаги ҳамкорлик дастури ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" алмашилди.

Умуман, энергетика, транспорт, автомобилсозлик, электротехника, тоғ-кон ва енгил саноат, фан, таълим, спорт ва бошқа соҳаларни қамраб олган жами 35 та ҳужжат имзоланди.

Ушбу салмоқли ҳужжатлар тўплами биродар мамлакат ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада, ҳар томонлама ривожлантириш, кўп қиррали шерикликни чуқурлаштириш йўлида янги натижаларга эришиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари учун брифингда Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон музокаралар ҳар доимгидек очиқ, ишончли ва дўстона рухда ўтганини таъкидладилар.

— Биз муштарак тарих ва маданият, дин, маънавий қадриятлар ва анъаналар билан чамбарчас боғланган халқларимизнинг кўп асрлик дўстлигини жуда қадрлаймиз.

Шу ерда ўтирган оммавий ахборот воситалари вакиллари ва делегациялар аъзолари кейинги бир неча йилда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари тараққиётида рўй берган улкан ўзгаришлар гувоҳидир.

Тожикистон билан яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош ва ўзгармас устувор йўналиши, — деди давлатимиз раҳбари. — Биз кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг барча масалаларини диққат билан кўриб чиқдик. Шуни қайд этмоқчиман: ҳеч бир йўналиш эътибордан четда қолмади.

Музокаралар чоғида томонлар янги ўсиш нуқталарини белгилаб олдилар, келгуси йилда товар айирбошлашни икки баробар оширишни мақсад қилиб белгиладилар. Етакчилар икки мамлакат ҳудудларининг имкониятларини максимал даражада ишга тушириш, уларни туманлар даражасида "боғлаш"га келишиб олдилар.

Давлат раҳбарлари ташриф арафасида ўтказилган Ҳудудлар форуми ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишининг самарали якунларини мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон транспорт ва транзит соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Музокараларда етакчилар темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида ташишларни кўпайтириш учун бундан буён ҳам қулай шароит яратиш тўғрисида келишувга эришдилар.

Президент Эмомали Раҳмон, ўз навбатида, аграр тармоқ, енгил, озиқ-овқат ва тоғ-кон саноатида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш товар айирбошлашнинг кўпайиши ва янги иш ўринларининг яратилишига хизмат қилишини қайд этди. У таълим ва тиббиёт соҳаларида, коронавирус пандемиясига қарши биргаликда курашишда шериклик кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Бундан ташқари, Президентлар маданият, фан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги алмашинувларни фаоллаштиришга келишиб олдилар.

— Биз мамлакатларимизда барпо этилган ҳамда бугун мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва шериклигимизнинг янги рамзларига айланган тиббиёт маркази ва ўқув муассасаси фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу масалаларнинг барчаси икки мамлакат Бош вазирлари раҳбарлик қилаётган икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг бевосита назоратида бўлиши қайд этилди.

Президентимиз Тожикистон раҳбарининг 2025 йилни Халқаро музликларни муҳофазалаш йили, деб эълон қилиши ва Музликларни асраш халқаро фондини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусларини Ўзбекистон тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

— Бугунги музокаралар кўп асрлик дўстлик, ишонч, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида ниятимиз жиддий ва қатъий эканини яна бир бор намойиш этди, — деди сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев. — Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликда икки биродар халқнинг равнақи йўлида аниқ, сезиларли натижаларга эришишга қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги "Дўстий" майдонида Исмоил Сомоний ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Сўнг "Кўҳи Борбад" санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда Тожикистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Тожикистоннинг юксак мукофоти — I даражали "Зарринтож" ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармони ўқиб эшиттирилди. Орденни давлатимиз раҳбарига Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон тантанали равишда топширди.

Давлатимиз раҳбари юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, ушбу мукофот катта ҳурмат ва ишонч ифодаси, халқларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар эътирофи эканини таъкидлади.

Мамлакатларимиз яқин қўшни, халқларимизнинг муқаддас ерию суви, дини бир, тарихи ва тақдири, ташвишу шодликлари муштарак экани қайд этилди.

— Бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни ривожлантириб, катта мақсадларимизга эриша оламиз. Биз доим бир-биримизга таянч бўлишимиз, ҳар қандай қийинчилик ва синовларни елкама-елка енгиб ўтишимиз лозим, — деди Ўзбекистон Президенти.

Кейинги йилларда икки томонлама муносабатларда улкан ўзгаришлар рўй бериб, уларни Ўзбекистон ва Тожикистондаги миллионлаб одамлар ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда.

— Бу Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларининг янги модели, янги муҳитида ўз аксини топмоқда. Энг муҳими, барча саъй-ҳаракатларимиз ва амалий ишларимиз халқларимиз манфаатлари ва орзу-интилишларига тўлиқ мосдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз икки мамлакат санъат усталарининг бундай концертлари халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстликни ифодаловчи яхши анъанага айлангани, санъат халқларни яқинлаштиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

— Инсонга турли чегаралар ўрнатиш хос бўлса, санъат чегара билмайди, унинг буюк вазифаси — одамларни бирлаштириш. Меҳр-оқибатли бўлиш, тинч-тотув яшаш — халқларимизнинг азалий орзуси ва самимий интилишидир. Биз ҳам, икки давлат раҳбарлари — ўртамиздаги чегаралар бизни ажратишга эмас, фақат бирлаштиришга хизмат қилиши учун бундан буён ҳам ҳаракат қиламиз.

Тинчлик ва осойишталикни асраш, келажак авлодлар учун мамлакатларимизнинг барқарор ва изчил тараққиётини таъминлаш — умумий бурчимиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Концерт дастурида истеъдодли санъаткорлар халқларимиз маданиятининг бойлиги, ўзига хослиги ва шу билан бирга, муштараклигини намойиш этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

Ажаб савдолар

Суиистеъмолчилик

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бошқаларга зарар етказиш, ҳуқуқини ўзгача шаклда суиистеъмол қилиш, бу ишни уларнинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Шундан ҳам аёнки, амалдаги қонунлар чин инсонийлик ва соф виждоний туйғуларни улуғлайди. Бироқ инсон табиати турфа хил. Қонун битта бўлса-да, унга бўлган қараш ва муносабатларнинг ҳар хил экани низоли ҳолатлар рўй беришига сабаб бўлади. Таассуфки, шундай ҳолат Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармаси фаолиятида ҳам кузатилди. Бу идора раҳбарияти ўтган йил кузида Боғот туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Khiva Gulshan Dehqon Bozori" масъулияти чекланган жамиятидан 28,5 миллион сўм миқдоридаги хизмат ҳақини ундириб беришни сўради.

Ҳуқуқий манбаалар етарли бўлган, ариза ва шикоятларда аксини топган даъво фактлар, далиллар асосида исботлаб берилган ва суд жараёнида тасдиғини топган ҳолатларда сўров сўзсиз қаноатлантирилади.

Шуни назарда тутсак, 28,5 миллион сўмлик хизмат ҳақини ундириш юзасидан судга мурожаат қилган тарафнинг даъвосини тасдиқловчи бир қатор ҳолатлар мавжудлигини эътироф этиш керак. Жумладан, томонлар ўртасида қўриқлаш хизмати юзасидан 2019 йил 17 июнь ва 2020 йил 1 февралда 2 та шартнома расмийлаштирилган.

Ушбу ҳужжатларга биноан, Қўриқлаш бошқармаси "Khiva Gulshan Dehqon Bozori" масъулияти чекланганг жамиятининг "Кўҳна Хива" кўчасидаги маъмурий биноси ҳудудини 1 нафар соқчи ажратиш йўли билан кунига 12 соат мобайнида қўриқлаш мажбуриятини зиммасига олган. Кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш буюртмачининг гарданига юклатилган. Лекин орадан бироз фурсат ўтгач, буюртмачи тўнини тескари кийиб, тўловдан очиқчасига бош тортган. Шу боис зиддият келиб чиққан.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 665-моддасида қайд этилишича, маиший пудрат шартномаси бўйича иш тегишли даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачи бу борадаги зарарнинг ўрнини қоплаш учун ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Ишни судда кўриш асносида масаланинг айни шу жиҳати маълум бўлди. Буюртмачи тараф — "Khiva Gulshan Dehqon Bozori" масъулияти чекланган жамияти билан "Хоразм Ғунча" масъулияти чекланган жамияти бир бинода жойлашгани ва фаолият кўрсатаётгани ойдинлашди. Қўриқлаш бошқармаси айнан шундай мазмундаги шартномани 2019 йил 17 сентябрда "Хоразм ғунча" масъулияти чекланган жамияти билан ҳам тузгани аниқланди. Ҳар иккала корхона ҳудудини қўриқлаш хизмати тарафидан ажратилган 1 нафар соқчи қўриқлаб келган ва кўрсатилган хизматга яраша ҳақ тўланган.

Бундай ҳолатда ижрочи ҳар иккала ташкилот билан алоҳида тузилган шартномага мувофиқ уларнинг ҳар бирига 1 нафар соқчининг хизмат кўрсатишини таъминлаши зарур эди. Аммо иккита юридик шахсга тегишли битта бинони қўриқлаш учун 1 нафар соқчининг ўзи кифоя ва қўриқлаш хизмати мантиқнинг ана шу жиҳатига риоя этган. Иккита ташкилотга қарашли битта бинони амалда 1 нафар соқчи қўриқлаган. Шундай бўлса-да, 2 нафар ходим учун хизмат ҳақи сўралган. Иш вақти тугаганидан сўнг ҳар иккала ташкилотга қарашли бинони қўриқлаш бўйича соқчилар ўртасида хизмат жойини топшириш ва қабул қилиш журнали белгиланган тартибда юритилмагани илгари сурилган даъвонинг ноўрин эканини кўрсатди. Даъвони қаноатлантириш учун асос йўқлиги рўй-рост ойдинлашди ва рад қилинди.

Судга тақдим этилган бир қатор ҳолатлардан сўнг Хоразм вилояти адлия бошқармасининг Хива шаҳар ҳокимлиги ва шаҳардаги "Бекчан уста" масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2019 йил 26 январь куни имзоланган 40-сонли келишув шартномасини бекор қилиш ва шаҳар ҳокимлигидан тадбиркорлик субъекти фойдасига етказилган зарар учун 414,3 миллион сўм миқдорида маблағ ундиришга қаратилган даъвоси ҳам сал бўлмаса чиппакка чиқаёзди. Ҳокимлик бу даъвога қарши бир қатор факт ва далилларни илгари сурди.

Аниқланишича, Хива тумани ҳокимининг 2012 йил 1 майдаги 447-сонли қарорига биноан "Бекчан уста" масъулияти чекланган жамиятининг "Пахта тайёрлов маскани" Амир Темур кўчасидаги 20,9 минг квадрат метр саҳнли бино ва иншоотларига нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланган. Қарор давлат рўйхатидан ҳам ўтказилган.

Аммо туман ҳокими 2017 йил 22 мартда бошқа бир қарорга ҳам имзо чеккан. Унда Хива шаҳрининг янги бош режаси лойиҳасини амалга ошириш асносида "Мевастон", "Янги турмуш", "Калтаминор" маҳалларида жойлашган бир қатор қурилмалар, жумладан, "Бекчан уста" масъулияти чекланган жамиятига қарашли биноиншоотларни ҳам давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бузиб олиш кўзда тутилган. Туман ҳокимлигининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини кейинчалик Хива шаҳар ҳокимлиги давом эттирган ва "Бекчан уста" масъулияти чекланган жамияти билан 40-сонли келишув шартномаси расмийлаштирилган. Унда корхона раҳбари ўзига қарашли ер-мулклар жойлашган ҳудуд олиб қўйилиши эвазига берилиши зарур бўлган компенсация тўловидан воз кечгани қайд қилинган.

Ўзаро келишувга мувофиқ шаҳар ҳокимлиги "Қиёт" маҳалласидаги 858-сонли контурда бўш турган 3 гектар ер майдонини "Бекчон уста" масъулияти чекланган жамиятига ажратиб бериш мажбуриятини зиммасига олган. Бироқ "қилдан қийиқ" чиққан.

Тахлил ва таклиф

Процессуал ҳуқуқий фанлар истиқболи

суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 13 июлда **"Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда 2020 йил 24 июлда **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонлари имзоланди. 2020 йил 3 сентябрда **"Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Президент қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари жорий йил 12 январда **"Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди. Бошқа бир қатор процессуал кодексларга ҳам муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу йил 15 январда **"Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги Олий суд Пленуми қарори қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, судьяларнинг ҳақиқий мустақиллигини амалда таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Бироқ эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, ҳозирги кунда фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи фанлари назарияси амалиётдан ортда қолмоқда. Чунки келажакда янги ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, уларни процессуал ҳуқуқий тартибга солиш, янги процессуал тушунчалар, категориялар ва концептуал қарашлар бўйича илмий асослантирилган назарий хулосалар ишлаб чиқишда фан амалиётга нисбатан кечикаётгани кузатилмоқда. Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал қонунчиликдаги айрим қарама-қаршиликлар, такрорланишлар, ўзбек ва рус тилидаги матнлар ўртасидаги номувофиқликлар суд амалиётида бир қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддаси биринчи қисмида "Агар фуқаро соғлиғининг ҳолати, ёши **ёки бошқа сабабларга кўра,** судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга" экани белгиланган.

Қонун чиқарувчи **"ёки бошқа сабабларга"** деганда нимани тушуниш кераклигини аниқ кўрсатмагани турлича талқинларни юзага келтиради. Чунки бошқа сабабларга нималар кириши қонунчиликда аниқ белгиланмаган.

Шу каби нормалар Фуқаролик процессуал кодексининг бошқа моддаларида ҳам учрайди.

Айни пайтда магистратура йўналишида судлар фаолиятини янада такомиллаштириш, суд фаолиятига бағишланган илмий ишланмаларни кўпайтириш, келгусида ушбу соҳада долзарб аҳамиятга эга бўлган мавзуларни тадқиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Бунинг учун фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқ, ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослиги бўйича илмий салоҳиятли кадрларни кўпайтириш, суд амалиётида фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўриш амалиётини янада такомиллаштириш, фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқи, ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослиги бўйича замонавий илмий йўналишларни йўлга қўйиш талаб этилади. Шу боис мазкур соҳадаги илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш, илмий мактабларни ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиққан ҳолда Тошкент давлат юридик университетида фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқ, медиация, ҳакамлик жараёнини ривожлантириш мақсадида алоҳида магистратура йўналиши очилиши мақсадга мувофиқдир. Бу, ўз навбатида, келгусида илмий педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини изчил равишда амалга ошириш, ушбу соҳадаги тадқиқот ишларини янада жонлантиришга туртки бўлади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи ва иқтисодий процессуал ҳуқуқ фани ҳамда фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал қонунчилигини замон талабларидан келиб чиқиб, янги назарий тушунчалар, хулосалар ва нормалар билан бойитиш ҳам давр талабидир.

Масалан, ҳозирги кунда суд амалиётида жисмоний ва юридик шахслар томонидан электрон далилларни тақдим этиш ҳолатлари кўп учрайди. Бу ўринда ижтимоий тармоқ ёзишмалари, электрон почта, СМС, ММС, флешка, диск, компьютер, Интернет, маҳаллий тармоқ ва бошқа коммуникация воситалари орқали юборилган электрон далиллар ҳақида сўз бормоқда.

Аммо электрон далилларни текшириш ва баҳолаш, электрон далилларни экспертиза қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошириш механизмининг мавжуд эмаслиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Фуқаролик процессуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодексида "Далиллар"га бағишланган алоҳида боб бўлса-да, бироқ унда электрон далилларнинг ҳуқуқий мақоми ва тартибига оид процессуал қоидалар назарда тутилмаган.

Мазкур ҳолат судлар фаолиятида электрон далилларни текшириш, талаб қилиб олиш, уларга ҳуқуқий баҳо беришда процессуал механизмлар мавжуд эмаслигида ҳам намоён бўлмоқда. Ваҳоланки, жаҳон амалиётида "электрон далил", "рақамли далил" билан ишлаш, уларни суд томонидан текшириш ва баҳолашнинг процессуал механизмлари ишлаб чиқилган.

Бу борада бир қатор хорижий давлатларнинг тажрибаси эътиборга лойиқ. Жумладан, Австралия, Канада, Сингапур, Малайзия, Ҳиндистон, АҚШ каби инглиз-америка ҳуқуқи оиласига кирувчи мамлакатларнинг "Далиллар тўғрисида"ги қонунларида электрон далилларга оид нормалар, уларнинг тушунчаси ва турлари аниқ белгилаб қўйилган.

Эстония Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддаси рақамли далил, 60[1]-моддаси электрон далилни ахборот тизимида кўришга бағишланган бўлса, Қозоғистон Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасида аудио, видеоёзув, фото ва киносъёмка материаллари ва электрон, рақамли ва бошқа материалларни текшириш тартиби кўрсатилган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 65-моддасида аудио, видеоёзув, шунингдек, кузатув мосламалари орқали фиксация қилинган, фото ва киносъёмка материаллари, электрон бошқа материаллар далил сифатида тан олинишига йўл қўйилиши белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан электрон далилларни текшириш, уларни талаб қилиб олиш ва ҳуқуқий баҳо беришнинг процессуал тартибини жорий этиш мақсадида Фуқаролик процессуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодексининг "Далиллар" номли бобига **электрон далиллар тушунчаси ва турлари, электрон далилларни текшириш тартиби, электрон далиллар тақдим этиш ва талаб қилиб олиш, электрон далилларни тақдим этиш мажбурияти, электрон ҳужжатлар, электрон хабарлар ва уларни текшириш тартибига** оид нормалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу, албатта, фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи фанлари назариясини янги тушунчалар билан бойитади. Қолаверса, қонунчилик ва суд амалиётининг изчил такомиллашувига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи фанлари назариясига янги ғоялар, тушунчалар киритилиши фаннинг ривожланишига сабаб бўлса, янги фуқаролик ва иқтисодий процессуал институтларнинг жорий этилиши фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал қонунчилиги ҳамда фуқаролик, иқтисодий суд ишларини юритишнинг янада такомиллашишини таъминлайди.

Ўз навбатида, бу фуқароларнинг суд орқали ишончли ҳимояланиш кафолатларини кучайтириб, фуқаролик, процессуал ва иқтисодий қонунчиликни умумэътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Давлат ҲАБИБУЛЛАЕВ,
юридик фанлар номзоди
Замира ЭСОНОВА,
юридик фанлар доктори

Хабар

Ахборот ва инсон ҳуқуқлари

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Жорий йилда ташкил этилган судлар матбуот хизматлари ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича тажрибасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган "Лайнер" оромгоҳида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси кўмагида семинар-тренинг ташкил этилди.

Уч кунлик семинар-тренингда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўйича бош консультантлари ҳамда Олий суд масъул ходимлари иштирок этмоқда.

Тадбирнинг очилишида Олий суд аппарати раҳбари Жаҳонгир Йўлдошев, Олий суд раисининг матбуот котиби — ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси Азиз Абидов суд билан боғлиқ маълумот тарқатишда фактларнинг аниқлиги, шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети доцентлари Гулнора Нишонова, Беруний Алимов ҳамда инсонлар ўртасидаги муносабатлар масалалари бўйича психолог Шоира Исоқова иштирокчиларга ахборот тарқатишда замонавий технологияларни эгаллаш билан бирга матн билан ишлаш, фуқаролар, айниқса, журналистлар билан ишлашда эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар ҳақида маълумот берди.

Бинобарин, бу борадаги билимларни мунтазам ошириб бориш, соҳага оид янгиликлардан хабардор бўлиш, маълумот тарқатишда ҳиссиётларга эмас, аниқ фактларга таяниш, холис ва ҳаққоний ахборот бериш, аҳоли, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотда маданиятли бўлиш, суд ишларига оид маълумот тарқатишда инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик зарур.

Уч кунлик тренингдан судларининг оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик билан ўзаро алоқаларига доир қонунчилик асослари ва услублари бўйича кенг маълумот берилади. Ижтимоий тармоқларнинг замонавий ахборот хизматлари фаолиятидаги ўрни тушунтирилади. PR-копирайтинг, контент шакллантириш ҳамда матбуот ходимлари учун тадбирлар (пресс-тур, брифинг ва бошқалар) ташкил этишнинг муҳим жиҳатлари таҳлил қилинади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Ҳокимнинг бу борада қабул қилган қарори лойиҳаси Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги комиссия йиғилишида кўриб чиқилган пайтда "Бекчон ота" масъулияти чекланган жамияти учун танланган майдон алоҳида қимматли ер участкалари тоифасига киргани маълум бўлган. Шу боис қарор лойиҳаси маъқулланмаган. Лекин шаҳар ҳокимлиги қараб турмаган. Ер-мулк эгаси билан тегишли тартибда келишмаган, компенсация тўловини олдиндан амалга оширмаган ҳолда жамиятга қарашли бино ва иншоотлар бузиб ташланган. Зарарнинг ўрни қопланмаган. Натижада муроса-ю мадора ўрнини низо эгаллаган.

Амалдаги тартиб-қоида (Фуқаролик кодексининг 84-моддаси)га кўра, кўчмас мулкка эгалик ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши, бекор бўлиши ҳоллари расман қайд қилиниши, яъни давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Лекин айни ҳолатда ушбу қоидага риоя этишнинг имкони йўқ. Даъвогар ва жавобгар ўртасида қонунда белгиланган тартибда келишув шартномаси тузилмагани масъулияти чекланган жамиятга қарашли ер-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш имконини бермайди. Бундан ташқари тарафлар шартноманинг барча муҳим жиҳатлари бўйича ҳам келишувга эришмаган.

Ана шу ҳолатлар инобатга олинса, шаҳар ҳокимлигининг ўзаро келишув мавжуд бўлмаган ҳолда "Бекчон ота" масъулияти чекланган жамиятининг даъвосини рад этиш ҳақидаги талабини асосли деб бўлмайди. Бунинг устига даъвогар тараф судгача ўтган вақт мобайнида ҳам ҳокимликка бир неча марта мурожаат қилиб, 414,3 миллион сўм ҳажмидаги зарарни тўлаб беришни сўраган. Ҳокимлик даъвогарга "Ангариқ" маҳалласи ҳудудидан ер майдони ажратилишини маълум қилиш билан чекланган. Лекин даъвогар бунга розилик билдирмаган, келишув яна ора йўлда қолган. Шу аснода масъулияти чекланган жамияти раҳбари томонидан адолат ва одилликни сўраб, бошқа мутасадди идораларга қилинган мурожатлардан ҳам наф чиқмаган.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 14-моддаси иккинчи қисмига кўра, зарар деганда, "Ҳуқуқи бузилган шахснинг ушбу ҳуқуқни тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажати, мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади."

Ер кодексининг 39-моддасида ер эгаси, ундан фойдаланувчи, мулкдор,ижарачи ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарар (шу жумладан, бой берилган фойда)нинг қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганида сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Кодекснинг 41-моддасида эса, етказилган зарар (шу жумладан, бой берилган фойда) тўлиқ ҳажмда қопланиши кераклиги уқдирилган.

"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасида давлат органининг мулкдорга қарашли мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, унинг тасарруфидаги уйжой, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига фақатгина қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиши белгиланган. Бундай ҳолларда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг молмулк берилади ва у кўрган бошқа зарарлар ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зиённинг ўрни тўлиқ ҳажмда қопланади. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг "Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлашга оид 911-сонли қарори (2019 йил 16 ноябр) ҳам ер-мулк эгаларининг устувор ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда алоҳида муҳим аҳамият касб этгани, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мўлжалланган ер майдонлари ва мулкий бойликлар эвазига компенсация тўловларини амалда кафолатлаш омилига айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Суд жараёнида даъвогарга тегишли бино ва иншоотлар "Хоразм эксперт баҳолаш" масъулияти чекланган жамияти томонидан 414,3 миллион сўмга баҳолангани ва бу бўйича "ELIT INNOVATSION BAHOLASH" ташкилотининг экспертиза хулосаси мавжудлиги инобатга олинди.

Шу аснода ҳақиқат, адолат ва қонун даъвогар тарафида экани аён бўлди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан Хива шаҳар ҳокимлиги ҳисобидан "Бекчон уста" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 414,3 миллионлик мулкий зарар ундириладиган бўлди. Айни пайтда 8,3 миллион сўмлик давлат божи тўлови ҳам ҳокимлик гарданига тушди.

Хайриятки, низо газак олмай барҳам топди ва қонун тантана қилди.

Баҳодир ДАВЛАТОВ,
Боғот туманлараро иқтисодий суди раиси
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Ҳуқуқий ҳимоя

Одамийлик мезони



у қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топган

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ота фарзандидан воз кечиб, уни моддий таъминлашдан бўйин товлайди. Аросатда қолган она боласини ўзининг фамилиясига олишдан бўлак чора тополмайди. Бироқ фарзандининг отасини кутишда давом этади. Лекин ундан дарак бўлмайди.

...Улар шу йил 28 январь куни судда учрашди. Эр аввалига фарзандни тан олмади. Ҳатто собиқ рафиқасидан суддан даъво аризасини қайтиб олишни ҳам талаб қилди. Эртаси куни эса, негадир авзойи ўзгариб, барини эътироф этди. Фарзанд ўз боласи эканини тан олди. Аммо болани моддий жиҳатдан таъминлашга қўли қисқалигини рўкач қилди.

Бу оиланинг қисмати кишини ўйга солади. Башарти, одамийликка ошно киши аёлидан воз кечса, уни тушуниш ва ҳатто кечириш ҳам мумкин, бироқ ўз фарзандини тан олмаган, таъминотидан юз ўгирган отани-чи? Бизнингча, бундай кимсалар табиатидан одамийлик сифатларини излаш бефойда. Жамият учун фарзанди-ю, оиласига қўл силтаганлар сони ҳатто битта бўлса-да, кўплик қилади.

Суд юзага келган оилавий низони қонун йўли билан бартараф этиш чорасини белгилади. Отанинг зиммасига фарзандига фамилиясини бериш ва у то балоғат ёшига етгунга қадар алимент тўлаш мажбурияти юклатилди.

Урганч шаҳрида қайд этилган бошқа бир оилавий ажрашувга ҳам эр — А.Ражабовнинг номуносиб хулқ-атвори сабаб бўлди. Унинг жабрини асосан турмуши барбод бўлган аёл ва фарзандлар тортди. Гарчи ҳали ёш бўлса-да, шу пайтгача икки марта уйланиб, икки марта ажрашган, оилавий турмуши давомида ҳар бир хотинидан 2 нафардан фарзанд кўрган бу кимсага фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг буйруғига асосан ойлик даромадининг ярмидан ҳам зиёдроқ миқдорда алимент тўлаш мажбурияти юклатилди.

Инсонийлик таомилларига кўра, оилага нописанд муносабатда бўлишнинг оқибати айнан шундай бўлиши керак. Бироқ ижтимоий турмушнинг адолат ва одиллик аталмиш мезонлари ҳам бор ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси турмуш неъматларидан бирдай баҳраманд бўлиши даркор. Бинобарин, қонуннинг талаби ҳам шу. А.Ражабов судга мурожаат қилиб, моддий жиҳатдан мураккаб вазиятга дуч келгани, топгани харажатларига етмаётгани ва шу муносабат билан фарзандлари таъминоти учун собиқ хотинларига тўланаётган маблағ ҳажмини камайтиришни сўради. Судда биринчи турмуш ўртоғи собиқ эри ноҳақ эканини айтиб, даъвони рад этишни сўраган бўлса, иккинчи аёли тўлов миқдорини озайтиришга қарши эмаслигини билдирди. Суд Оила кодексининг 99-моддасида таъминот уч ва ундан ортиқ бола учун ойлик даромаднинг ярмидан зиёд бўлмаслиги юзасидан белгиланган қоидага таянди. Тўлов ҳажми белгиланган ушбу меъёрдан анча ортиб кетганини эътиборга олиб, фарзандлар таъминоти учун даъвогарнинг ҳар бир собиқ турмуш ўртоғи фойдасига ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг учдан бир қисми миқдорида ундирилаётган алимент тўловини қонунда белгиланган миқдорга камайтиришни мақсадга мувофиқ, деб топди.

Хоразм вилояти Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасида оддий ҳисобчи вазифасида ишловчи Гуласал Саидова ўтган йилнинг 15 июлидан 18 ноябригача бўлган давр учун қўшимча равишда тайинланиши зарур бўлган маошини ололмади. Бунга 2020 йил 24 майдаги "Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори, Республика Махсус комиссиясининг 2020 йил 16 июлдаги 36-сонли баённомаси, шунингдек, Меҳнат кодексининг 154 ва 161-моддалари талаблари мутасаддилар тарафидан бузилгани сабаб бўлди. Суд вилоят Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасига Г.Саидованинг ҳар кунлик меҳнатига қўшимча равишда ойлик лавозим маошининг 6 фоизи миқдорида иш ҳақи тўлаш мажбуриятини юклади. Шу тариқа оддий ходимнинг ҳалол меҳнати куймайдиган бўлди.

Инсон шаъни, обрўси, қадри-қиммати улуғ. Бу Конституциямизда ҳам кафолатланган. Шу боис у қонун асосида ҳимоя қилинади. Бинобарин, қаерда инсонпарварлик тамойилларига амал қилинса, у ерда қонун устуворлиги ҳам таъминланади.

Зафарбек ИСОҚОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди судьяси

Жиноят ва жазо

Сохта қўриқчи

суд унга қонуний жазо тайинлади

Сўнгги йилларда юртимизда хусусий қўриқлаш хизматлари фаолиятини йўлга қўйишга ҳам рухсат берилди. Бу фуқароларнинг мол-мулкини қўриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бешариқлик Обиджон Ҳимматқулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам туманда ана шундай хизматни ташкил қилди. Аммо асосий мақсадга ўтишдан олдин 32 ёшли О.Ҳимматқуловнинг ўтмишига бир карра назар ташламасликнинг иложи йўқ.

(Давоми 4-бетда) ▶

Мутолаа

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 2-сони

"Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" — ушбу ғоя журналнинг 2-сони бош мавзусидир. У давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М.Абдусаломов, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Қ.Абдураҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими А.Рашидбеков, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Г.Маъруфова ва бошқаларнинг илмий мақолаларида мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда эришилган тарихий натижалар, айниқса, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва асосий манфаатларининг кафолатли таъминланиши чуқур таҳлил этилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик А.Саидов, Россиянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Т.Москалькова, Бош прокуратура академиясининг профессори Ф.Раҳимов, Ўзбекистон Республикасининг Женевадаги БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий вакили У.Лапасов, Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси Г.Раҳимова мақолаларида мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилган.

Журнал саҳифаларида парламент фаолиятини такомиллаштириш, суд ислоҳотлари, гендер тенглик, ёшлар ҳуқуқларининг кафолатлари, сўз ва матбуот эркинлиги ва бошқа мавзулардаги илмий мақолалар ҳам эълон қилинган.

Б. РАЙИМОВ,
ўз мухбиримиз

Қонун кўмаги

Бекор бўлган қарор

суд бузилган уй-жой ҳуқуқини тиклади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Энг қизиғи, хонадонга нисбатан сотишга таъқиқ қўйилгани Акмал Бердиевни таажжубга солади. Чунки бу қонунга зид эди.

Шу боис у Термиз туманлараро маъмурий судига Термиз шаҳар ҳокимининг 2012 йил 26 мартдаги 115-сонли қарорининг 19-уй, 15-хонадонга нисбатан қисмини ҳақиқий эмас, деб топиш ва унга қўйилган таъқиқни бекор қилиш бўйича мажбурият юклаш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилди. Суд ушбу низоли хонадон Термиз шаҳар ҳокимининг 2005 йил 20 июлдаги 609-сонли қарорига асосан Холмурод Файзиевга хусусий мулк қилиб берилгани, уй-жой мулк ҳуқуқи асосида унга тегишли экани ҳақида 97-сонли давлат ордери берилиб, давлат рўйхатидан ўтказилгани эътибордан четда қолган, деган хулосага келди. Чунки ана шу ҳолат Акмал Бердиев ушбу хонадонни мулк ҳуқуқи асосида қонуний равишда сотиб олганини тасдиқлайди.

Қолаверса, Уй-жой кодексининг 14-моддасида давлатга қарашли уй, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келиши белгиланган.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли молмулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатлиги ва мулк ҳуқуқи муддатсиз экани кафолатланган.

Кўриниб турганидек, Термиз шаҳар ҳокимининг 2012 йил 26 мартдаги 115-сонли қарорига асосан низоли хонадоннинг Термиз ҳудудий уй-жойдан фойдаланиш қисмига бириктириб берилиши Акмал Бердиевнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузган. Чунки у ҳозирги кунга қадар низоли хонадоннинг мулкдори ҳисобланади.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 12-моддаси 1-қисмига кўра, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк даҳлсиздир. Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди.

Маъмурий судларда иш юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси 2-қисмида "Суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид экани ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади" дея қайд этилган.

Суд ишга тааллуқли ҳужжатларни ўрганиб, Термиз шаҳар ҳокимининг 2012 йил 26 мартдаги 115-сонли қарорининг Алишер Навоий номидаги кўча, 19-уй, 15-хонадонга тегишли қисмини ҳақиқий эмас, деб топди. Шунингдек, шаҳар ҳокимлиги зиммасига ушбу хонадонга нисбатан қўйилган таъқиқни бекор қилиш мажбуриятини ҳам юклади.

Шу тариқа Акмал Бердиев уйидан айрилмайдиган бўлди. Суд унинг бузилган ҳуқуқларини тиклади. Эндиликда у шахсий мулкини эмин-эркин тасарруф этиши мумкин.

Аъзамберди АЛИҚУЛОВ,
Термиз туманлараро маъмурий суди судьяси

Инсон оламдан ўтгач, қариндош-уруғлари, дўстлари ва яқинлари томонидан унинг қабрига ўзига хос белги-қабртош қўйиш барча халқлар ва динларда кенг урф бўлган. Ҳаётда шундай ғаройиб қабртошлар борки, кўрган киши ёқа ушлаши аниқ. Қуйида ана шундай антиқа қабртошларнинг айримлари ҳақида маълумот берамиз.

Дунёнинг ишлари

Ғаройиб қабртошлар

Машҳур актёрнинг ити

Ажойиб роллари билан миллионлаб томошабинларнинг қалбидан жой олган Юрий Никулиннинг қабри бошида машҳур актёрнинг ўзи билан бирга унинг севимли итининг ҳам ҳайкали бор. Актёр зотдор итни хориждан олиб келган ва умрининг охиригача у билан қалин дўст бўлган.

Қабртош-гилам...

Балет мухлислари Рудолф Нуриевнинг истеъдоди ва маҳоратини узоқ вақт унутмаслигига шубҳа йўқ. Унинг меросхўр ва дўстлари артистнинг қадимий гиламлар ишқибози бўлганини инобатга олиб, қабрига рангли тошлардан мозаика усулида терилган гилам шаклини ўрнатишган. У шу қадар моҳирлик билан ясалганки, кўпчилик ҳақиқий деб ўйлайди.

Ойнаванд иҳота

1880 йил чикаголик 7 яшар қизалоқни яшин уради. Отаонаси унинг хотирасига ойнаванд қути ичига жойлашган ҳайкалини ўрнатишган. Қизалоқнинг мурғак жонини асраб қололмаган дунёнинг рамзи сифатида қабристонда қад ростлаб турган шиша иҳота кўплаб инсонларни ҳайратлантиришда давом этмоқда.

Лимузинли қабртош

1981 йилда эндигина ўн беш ёшни қаршилаган америкалик ўсмир дунёдан кўз юмган. У "Мерседес бенц" русумли автомобил шайдоси бўлган. Шу боис укаси шарафига бойвачча акаси унинг қабри устига 26 тонналик улкан машина макетини ўрнатган.

Вафо тимсоли

АҚШлик Мери Эллис исмли аёл ёшлигида уйланишга ваъда берган денгизчи зобитни умрининг охиригача кутган. Уни қайлиғининг денгиздан қайтишини кутиб ўтирадиган жойга дафн этишган. Тақдир ройишини қарангки, ҳозирги пайтда бу ер улкан автотураргоҳга айланган. Унинг қоқ ўртасида вафо ва садоқат тимсоли бўлган аёлнинг қабри бузилмасдан турибди. Ҳар куни кўплаб одамлар унинг қабрини зиёрат қилиб, хотирасига ҳурмат бажо келтиришади.

Ажабтовур қабристон

Руминиянинг Марамуреш қишлоғида жойлашган қабристон ҳам ажабтовурлиги билан одамлар эътиборини тортади. Чунки бу ердаги қабртошлар одамларнинг тирикликдаги қизиқишларини ўзида акс эттирган. Уларга қараб марҳумларнинг ҳаётлик чоғидаги касби-кори ва нимани ишқибози бўлганини осонгина англаб олиш мумкин.

Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.

Жиноят ва жазо

Сохта қўриқчи

суд унга қонуний жазо тайинлади



◀ (Бошланиши 3-бетда)

Гап шундаки, бирор-бир касб ёки ҳунарни эгалламаган, ҳали мустақил оила тебратишга қодир бўлмаган О.Ҳимматқулов тахминан 23-24 ёшида уйланади. Пировардида оила масъулиятини ҳис этмай, бир нафар фарзандли бўлгач, хотини билан ажрашиб кетади. Тегишли суд буйруғига асосан ундан фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланади. Бироқ ота бўлмиш алимент пулларини ўз вақтида тўламайди. Оқибатда унга нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилади.

Шундан сўнг икки томоннинг ёши улуғ кишилари ўзаро маслаҳатлашиб, эр-хотинни яраштириб қўйишади. Жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2015 йил 3 июндаги ажримига мувофиқ айбланувчига нисбатан қўзғатилган жиноят иши ярашув муносабати билан ҳаракатдан тугатилади.

Аммо О.Ҳимматқулов бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмайди. У Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми "в" банди (уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда босқинчилик), 228-моддаси 1-қисми (расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш) ва 228-моддаси 3-қисми (ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш)да назарда тутилган жиноятларни содир этади.

Албатта, унинг жиноий қилмиши жазосиз қолмайди. Жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2015 йил 14 августдаги ҳукми билан 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2018 йил 19 июндаги ажримига биноан, 1 йил 6 ой 2 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилади. Сўнгра жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2019 йил 24 сентябрдаги ажрими асосида Жиноят кодексининг 73-моддаси қўлланилган ҳолда 3 ой 5 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан шартли равишда озод қилинади.

Буни қарангки, озодликка чиқиб, орадан роппа-роса бир йил ўтгач, Обид Ҳимматқулов Қўқон шаҳрида жойлашган "BARS" қўриқлаш хизмати ижрочи директори сифатида иш бошлайди. Бир ярим ойдан сўнг эса, Ўзбекистон туманида яшовчи Пўлатжон Носировдан "YAGUAR VSK" масъулияти чекланган жамияти таъсисчилигини сотиб олиб, уни Бешариқ туманига кўчириб ўтказади. Мазкур корхонани П.Носиров 2020 йил 3 ноябрь куни Қўқон шаҳар давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтказган экан. Унинг фаолият турига хусусий соқчилик хизмати ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг объектлари, мол-мулкларини қўриқлаш ҳам кирган. Корхона Бешариқда давлат рўйхатидан ўтгач, О.Ҳимматқулов дарҳол фуқароларни қўриқчилик хизматига ишга қабул қилиш юзасидан оғзаки эълон беради. Хизмат формасини кийиб ишлаш истагида юрган ёшлар унга иш сўраб кела бошлайди. Булар орасида Намуна Деҳқонова ҳам бор эди.

— Ўғлим Бунёджонни ҳам ишга қабул қилсангиз, илтимос, — дейди Н.Деҳқонова.

— Майли, онахон, ҳозир сиз бораверинг. Ўғлингизни ўзим чақиртираман, — дейди О.Ҳимматқулов мулойимлик билан.

Чиндан ҳам, орадан бир ҳафта ўтгач, у аёлнинг ўғлига қўнғироқ қилади.

— Онангизнинг юзидан ўта олмадим. Шунинг учун сизни ишга қабул қиламан, — деди О.Ҳимматқулов. — Фақат аввал сизга форма тиктиришимиз керак. Менга саккиз юз йигирма минг сўм берсангиз, уч кунда хизмат кийимингиз тайёр бўлади. Буни ҳаммаям эпломайди, ўзимизнинг махсус чеварларимиз бор.

Бунёджон унинг сўзларини эшитиб, ич-ичидан қувонади ва дарҳол пулни келтириб беради.

Шу тариқа Б.Деҳқонов тенгдошлари қатори хизмат кийимини кийиб, худди аскарлардек қўркам йигитга айланади. Ҳадемай орадан 40 кун ўтди. Аммо иш ҳақидан дарак йўқ эди. Бунинг устига О.Ҳимматқулов "Ишхонага мебель оламиз" деган важ билан яна ундан 100 АҚШ доллари ҳам олади. Аммо мебель олинмайди, О.Ҳимматқулов пулни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади.

Шундан сўнг Обид Ҳимматқулов фириб тўрини янада кенгроқ ёяди. У ҳатто қизларни ҳам лақиллатишдан ҳам тап тортмади. Аниқроғи, ишга кириш мақсадида келган Бахтигул Муҳаммаджоновадан хизмат кийими тиктириш баҳонасида 820.000 сўм олади.

— Ишга ўзим чақираман, — дейди қизни ҳам, унинг отаси Ҳамидулло Ҳусановни ҳам тинчлантириш учун.

Лекин хадеганда иш ҳал бўлавермайди.

— Қизларни ишга олиш масаласи сал муаммо бўляпти. Шунинг учун бироз шошилмай турасизлар, — деб алдайди у орадан 10 кун ўтгач, қўнғироқ қилган Ҳ.Ҳусановга.

Аммо у ҳам бошқалар қатори берган пулига қуйиб қоларди.

Халқимиз "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади" дея бежизга айтмаган. Бу Обид Ҳимматқулов сингари фирибгарларга ҳам тегишли. Агар О.Ҳимматқулов туманнинг "Янгиқўрғон" маҳалласида яшовчи Бекмурод Иброҳимовни ишга қабул қиламан, деган алдов билан пул олмаганда эди, балки унинг кирдикорлари ҳали-бери фош бўлмасди.

Бошқа ёшлар сингари Б.Иброҳимов ҳам "YAGUAR VSK" масъулияти чекланган жамиятига иш масаласида мурожаат қилади.

— Ҳарбий хизматга борганмисиз?, — деб сўрайди О.Ҳимматқулов.

— Йўқ, бормаганман, — дея жавоб беради Бекмурод.

— Ундай бўлса, сизнинг масалангизни раҳбарларим билан гаплашиб кўраман, бирор йўли топилса, айтаман, — дейди у.

Бироқ О.Ҳимматқулов ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, 2020 йил 25 октябрь куни Б.Иброҳимовни яна алдайди.

— Сизни ишга қабул қилса, бўлар экан. Бунинг учун ҳарбий гувоҳнома керак. Ҳарбий гувоҳнома олишнинг эса, ўзига яраша тўловлари бор. Пулни тўлайсиз ва ишни ҳам бошлайсиз, — дейди.

О.Ҳимматқулов ана шундай алдов йўли билан Бекмуроддан 3.800.000 сўм олади. Шу билан бирга "Бизда ҳарбий хизмат олти ой давом этади. Кейин ҳарбий гувоҳнома берамиз" деб қўшиб ҳам қўяди.

Шундан сўнг Б.Иброҳимов ишга келиб-кетиб юраверади. Ана шундай кунларнинг бирида унинг ишга кирганини эшитган дўстларидан бири сўрайди:

— Менга қара, сен ҳам ногирон, ҳам ҳарбий хизматни ўтамаган бўлсанг, қандай қилиб ишга қабул қилишди?!

Бунга жавобан Бекмурод жамият раҳбарига пул берганини, олти ойдан сўнг ҳарбий гувоҳнома қўлига тегишини айтади.

— Дўстим, кўзингни оч, хусусий ташкилот ҳеч қачон ҳарбий гувоҳнома бермаслигини ҳамма билади-ку?! Гувоҳнома фақат мудофаа бўлими ёки ҳарбий қисмдан берилади.

Дарҳақиқат, Б.Иброҳимов III-гуруҳ ногирони бўлиб, бир кўзи заифроқ кўрарди. Шу боис дўстининг гапларини эшитиб, у алданганини англаб етади. Пировардида О.Ҳимматқуловга қонуний чора кўришни сўраб, Бешариқ тумани ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Суриштирув жараёнида фирибгар қўриқчи 20 нафар шахсни чув туширгани аён бўлди. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Бешариқ тумани суди судланувчини Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан айбдор деб топиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди. Қолаверса, суд ҳукмида О.Ҳимматқуловдан 17 нафар жабрланувчига етказилган 33.237.600 сўмни ундириш ҳам қайд этилди. Шунингдек, суд судланувчи истиқомат қилган "Обод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жиноятлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш юзасидан хусусий ажрим чиқариб, уни маҳалла фуқаролар йиғинига ижро этиш учун юборди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай сохтакорликнинг умри қисқа. Баён этилган жиноий қилмиш тафсилоти ҳам бунинг исботидир.

Нодир САЛОМОВ,
жиноят ишлари бўйича Бешариқ тумани суди судьяси
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-615 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7012
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22^{00}. Топширилди: 1^{45}.